ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тоштемиров Тўлқин Тоиржонович
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси мустақил изланувчиси
Email: t.toshtemiroff@mail.ru
ORCID: 0009-0001-2983-2017,
B: 2025.1.PhD/Iqt5079
Тошкент, Ўзбекистон

Qabul qilindi: 04.10.2025
Ko‘rib chiqildi: 05.10.2025
Tasdiqlandi: 06.10.2025

Калит сўзлар:
якка тартибдаги тадбиркор, кичик тадбиркорлик субъектлари, солиқлар, айланмадан олинадиган солиқ, солиқ юки, солиқ режими, солиқ имтиёзи.

Keywords:
individual entrepreneur, small business entities, taxes, turnover tax, tax burden, tax regime, tax benefit.

Ключевые слова:
индивидуальный предприниматель, субъекты малого предпринимательства, налоги, налог с оборота, налоговая нагрузка, налоговый режим, налоговая льгота.

Аннотация. Тезисда якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш мазмун-моҳияти очиб берилган. Шунингдек, уларни солиққа тортиш юзасидан хорижий тажриба ўрганилган, мавжуд ҳолат таҳлил қилинган, солиқ юкини камайтириш мақсадида солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Abstract. The thesis reveals the essence of taxation of individual entrepreneurs. Also, foreign experience in their taxation was studied, the current situation was analyzed, and proposals were developed to improve the taxation procedure in order to reduce the tax burden.

Аннотация. В тезисе раскрывается сущность налогообложения индивидуальных предпринимателей. Также был изучен зарубежный опыт их налогообложения, проанализирована текущая ситуация, разработаны предложения по совершенствованию порядка налогообложения с целью снижения налогового бремени.

Тадбиркорлик фаолиятини юритишда, унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклни тўғри шаклини танлаш жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки, ортиқча солиқ юкламаси бўлмаслиги шунга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти энг мақбул фаолият шаклларидан бири ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркор – белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган жисмоний шахс ҳисобланади[1].

У банкда ҳисоб рақам очиши, хом ашё ва товарлар учун тўлаши мумкин. Лекин, унинг фаолияти рухсат этилган тадбиркорлик турлари рўйхати билан чекланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6 - сон қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига кўра, улар 88 та фаолият турини ташкил этади[2].

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар 2025 йил 1 январь ҳолатига 283 866 нафарга етган. Уларнинг 134 910 нафари (47,5 фоиз) чакана савдо, 23 631 нафари (8,3 фоиз) ҳунармандчилик, 29 453 нафари (10,4 фоиз) маиший хизмат кўрсатиш, 95 872 нафари (33,8 фоиз) бошқа фаолият турлари соҳаси билан шуғулланади[3].

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлар ихтиёрий равишда соддалаштирилган тартибда солиққа тортиш солиқ режими ва солиқ солишнинг умумбелгиланган тартибини танлашлари мумкин.

[1] https://lex.uz/docs/4674902 - Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.
[2] https://lex.uz/docs/1727490 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6 – сон қарорининг 1-иловаси.
[3] https://t.me/fiskaltahlil - Давлат солиқ қўмитасининг расмий телеграмм канали.

Шуни алоҳида таъкидлаш жойизки, товар-айланмаси солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқни ҳамда товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади солиқ даврида бир миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар эса, қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга мажбурий ўтадилар.

Давлат солиқ қўмитасининг маълумотларига кўра, якка тартибдаги тадбиркорларнинг 82,9 фоизи қатъий миқдорда даромад солиғи тўловчиси, 16,2 фоизи айланмадан олинадиган солиқ тўловчиси, 0,9 фоизи қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тўловчиси ҳисобланади[4].

Шунингдек, амалдаги тартибга кўра йиллик жами даромади 100 миллион сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар жойлашган ҳудуди ва фаолият турларига қараб қатъий белгиланган солиқ тўлайди.

Жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини амалга оширган жойига қараб, Тошкент шаҳри, вилоят марказлари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари учун белгиланган табақалаштирилган миқдорларда солиқ тўлайди.

Бироқ, ушбу тартиб туман ва шаҳарларнинг ривожланиш даражасини тўлиқ инобатга олган ҳолда солиқ миқдорини белгилаш имконини бермаганлиги сабабли 2025 йил 1 январдан якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолият тури ва жойлашган ҳудудига қараб энг кам ва энг юқори ставкаларини (диапазон) белгиланди.

Масалан, Марғилон ва Қўқон шаҳарларининг иқтисодий ривожланиш даражаси вилоят маркази ҳисобланган Фарғона шаҳрига жуда яқин.

[4] https://t.me/fiskaltahlil - Давлат солиқ қўмитасининг расмий телеграмм канали.

Шунга қарамасдан, Фарғона шаҳрида фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркорлар Марғилон ва Қўқон шаҳарларидаги худди шундай фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлардан анча миқдорда кўп солиқ тўлашга мажбур эди.

Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий солиқ ставкасини энг кам ва энг юқори ставкалар доирасида белгилаш ваколатини берилди.

Бунда Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқ ставкаларига 0,7 дан 1,3 гача камайтирувчи ёки оширувчи коэффициент қўллаш ваколати бекор қилинди.

Фуқаролик жамиятининг кўп асрлик мавжудлиги давомида солиққа тортиш тарихи жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш билан узвий боғлиқ, хусусан фуқароларнинг даромад манбаларидан бири тадбиркорлик фаолияти бўлиб, у, аввало, жисмоний шахсларни фойда олишга қаратилган ва солиққа тортиш объекти сифатида қаралган фаолияти сифатида вужудга келган ва мавжуд бўлган.

Бироқ, шунга қарамасдан замонавий технологияларни ривожланиши ҳамда бошқа имкониятларга қарамасдан яшин иқтисодиёт муносабатлар улуши юқорилигича қолмоқда.

Бу эса, расмий фаолиятини юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқ мажбуриятларини бажармайдиган, норасмий фаолият юритадиган шахслар билан рақобат қилиш учун адолатсизлик туғдиради.

Шу билан бирга, солиқ қонунчилигидаги тез-тез ўзгаришлар ва мураккабликлар, солиқ текширувлари пайтида юзага келадиган

ноаниқликлар ҳамда солиқ органлари билан ўзаро муносабатлардаги муаммолар уларни ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш тизимини янада соддалаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқ маданиятини ошириш, нақдсиз тўловларни қабул қилиш учун қулай ва самарали механизмларни жорий ҳамда рақамли хизматларни такомиллаштириш орқали бу муаммоларни ҳал қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 12 августдаги “Якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–247-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги “Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 6 - сон қарори.

6. https://www.gazeta.uz/ru/2025/08/11/business/. “Ўзбекистонда ЯТТ ва ўзини ўзи банд қилган шахслар учун 2031 йилгача махсус ҳуқуқий режим жорий этилиши тасдиқланди”.

7. https://ria.ru/20250311/nalogi-1745702905.html. “Налоги для ИП в 2025 году: какую систему налогообложения выбрать”.

8. https://fincult.info/article/kakie-nalogy-platit-ip/. “Какие налоги платит ИП”.